
Ҳоким ва ёшлар учрашуви ўтказилди

Бугун Қува туман ҳокимлигида туман ҳокими Халимжон Умаров туман ёшлари билан учрашди.

Қува тумани ҳокимлиги ҳамда ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган учрашувда масъул ташкилот раҳбарлари ва 200 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этдилар.

Очиқ ва самимий мулоқот тарзида ўтказилган учрашувда туманда ёшларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Ёшлар томонидан билдирилган муаммо ва таклифларни инобатга олган ҳолда уларни ижобий ҳал этиш, билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек учрашув давомида “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг туман, вилоят ҳамда республика босқичларида фаол иштирок этиб фахрли ўринларни қўлга киритган ёшларга туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари ҳамда китоблар тўпламлари топширилди.

2023-02-24 16:59:25